

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

**ROSSIYANING BIRINCHI PREZIDENTI B. N. YEL SIN
NOMIDAGI URAL FEDERAL UNIVERSITETI**

TOSHKENT IQTISODIYOT VA PEDAGOGIKA INSTITUTI

**INSON FAROVONLIGINI
O'RGANISHDA FANLARARO
YONDASHUV**

xalqaro ilmiy konferensiya materiallari

II QISM

Toshkent - 2023

Mas'ul muharrir:

Muxamedov Gafurjon Isroilovich
Kimyo fanlari doktori, professor, O'zbekiston fan arbobi

Tahrir hay'ati:

O.D.Ziyadullayev, E.E.Simanyuk, J.E.Usarov, S.B. Malix, D.O.Ximmataliyev, T.N.Tixomirova, R.A.Ikromov, Serdar Serdar uglu, J.F.Ravshanov, A.A.Pecherkina, G.O.Ernazarova, D.E.Chernousov, F.U.Qodirova, YU.V.Zapariy, N.X.Elmurzaeva, YU.E.Pyankova, SH.R.Samarova, A.P.Andropov, A.N.Rasulov, S.B.Qorayev, I.D.Qodirov, S.Gayupova, K.R.Mamadaliyev, A.S.Burnasov, N.J.Eshnayev, SH.E.Nurmamatov

Konferensiyaning maqsadi jamiyatda inson farovonligini oshirish muammolarini o'rGANISH va bu yo'lدا izlanishlar iolib borayotgan tadqiqochilarga amaliy yordam berish, ularni birlashtirishdan iborat. Insonning hayotda yashash darajasining sifat jihatidan o'sib borishi, raqamlashtirish jarayonlarining jamiyat, ijtimoiy guruhlar va shaxslarga ta'sirini o'rGANISHGA fanlararo yondashuvni ishlab chiqishni nazarda tutadi. To'plamdan shaxs farovonligining psixologik, inson farovonligining demografik jihatlari, ijtimoiy-madaniy aspektlari, ta'lim inson farovonligining bosh omili ekanligi, mustaqil-ta'lim klasteri inson farovonligining asosi va raqamlashtirishning inson farovonligini ta'minlashdagi qulayliklari masalalariga bag'ishlangan maqolalar o'rIN olgan. Kitob soha mutaxassislar, ilmiy tadqiqotchilar, magistrantlar va bakalavriat talabalari hamda keng o'quvchilar ommasiga mo'ljallangan.

Ilmiy to'plam Chirchiq davlat pedagogika universiteti Ilmiy Kengashining 2023 yil 27 sentyabrdagi 02-sonli qo'shma yig'ilish qarori bilan nashrga tavsiya etilgan. Ilmiy to'plam maqolalarida keltirilgan iqtibos va dalillar obyektivligi mualliflar zimmasida qoldiriladi.

Mualliflar qarashi va asarlar nomlaridagi imlo tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

ISBN 978-9910-9966-6-5

© Zebo prints, 2023.
© Chirchiq davlat pedagogika universiteti

Mahkamova Shohida. Maktabgacha yoshdagi bolalarda musiqa mashg'ulotlarini olib borishda inqlyuziv ta'lif texnologiyalarining ahamiyati	199
Qodirova Feruza, Egamberdiyeva Nigora. Ta'lif klasteri sharoitida autizm sindromli bolalarni tashxislash va korreksiyalash ishlaring mazmuni	201
Ikrom Qodirov. Oliy ta'lifni raqamlashtirish-davr talabi	205
Toshpulatov S.K. Futbol bo'yicha boshlang'ich tayyorlov guruhida shug'ullanuvchi o'smir yoshlarning texnik-taktik usullarni o'rjatishning ilmiy -nazariy asoslari	207
Toshmatov Oybek. Directed learning in language teaching	210
Umarov Eldor. Ta'lif muassasalarida talabalarning mustaqil faoliyatini samarali tashkil etish metodlari	214
Xusnuddinova Zulayxo. Ko'rishda nuqsoni bo'lgan bolalar bilan olib boriladigan korreksion-pedagogik ishni tashkil etish bosqichlari	217
Xusnuddinova Zulayxo. Ko'rishda nuqsoni bo'lgan bolalar bilan olib boriladigan korreksion ishlarni tashkil etishda klaster muhitining zaruriyati	221
G'affarova Gulchehra, Yo'ldoshev Avazbek. O'zbekiston sharoitiga klasterga oid xalqaro tajribalarning ta'siri	225
Shadiyev Azizjon. Yosh avlodda sog'lomlashtirish texnologiyalarini qo'llashning o'ziga xos xususiyati	230
Shermatov M.N. O'zbekistonda futbolni rivojlantirishning asosiy maqsadlari va vazifalari	234
Шоира Абдужалирова. Фитратнинг "педагогик маҳорат" фани асосларига доир қарашлари	236
Абдуллаева Г.С. Практическая деятельность учителя по обучению английскому языку детеи с нарушениями зрения	240
Абдирикова И.К. Совершенствование кластерной проектной деятельности	244
Азимов Даврон. Тарабани мусиқий таълим бериш орқали индивидуал таълимга йўналтиришнинг илмий - методик асослари	247
Бозоров Низомиддин, Бахтиёр Дилшатович. Умумтаълим мактабларида ўқув марказ фаолиятини амалга ошириш	250
Икрамов Фарход. Мустақил таълимни ташкил этиш асосида талабаларнинг ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини шакллантириш методикаси (миллий ғоя фани мисолида)	255
Қодирова Ферузахон. Психолого-педагогическая диагностика, как фактор благополучия инклюзивного образования	258
Кабирова З.М. Рақамлаштириш шaroitida ўқув субъектлари фаолиятига күй иладиган педагогик компетенциявий талаблар	260

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСИДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ (МИЛЛИЙ ҒОЯ ФАНИ МИСОЛИДА)**

Икрамов Фарход Актамович
ЧДПУ эркин тадқиқотчи

Аннотация. Олий таълим муассасалари педагогик жараёнида инновацион технологиялар асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш, талабаларнинг фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришига қаратилган таълим жараёнини ташкил этиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мақолада бу вазифаларни мустақил таълимеи ташкил этиши асосида амалга ошириш масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Машғулот, ёндашув, ўқитиш, маданият, фаоллик, компетенция, лойиҳа.

Бугунги кунда олий таълим тизимида талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришда жамиятшунос олимлар томонидан Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳияти ва унинг фуқаролик жамияти ривожланиши билан узвий боғлиқлигига бағишлиланган илмий йўналишдаги ишлар фаол амалга оширилмоқда. Талабаларнинг ижтимоий-сиёсий билимини оширишда, уларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришда, ижтимоий фаоллигини оширишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг методларини тўғри танлаш ва улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий- гуманитар фанларнинг ҳар бирида ўзининг тадқиқот обьектига қараб турли методлари ва тамоиллари мавжуд бўлса-да, энг умумий методлар бўлган фалсафий методлар универсал аҳамиятга эга. Улар умумий алоқадорликда барча ижтимоий соҳаларни таҳлил этишда ва ўрганишда фойдаланилади [Назаров Қ, 2007, 23 б.].

Олий таълим муассасаларида мустақил таълимини ташкил этиши асосида талабаларнинг ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини шакллантириш талабаларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқарashi, ахлоқий- ҳуқуқий маданиятини ва сиёсий тафаккурини ва бу орқали фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамловчи ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ўқув машғулотлари технологиясини яратишни талаб этади. Бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида ўқув машғулотларини инновацион ёндашув асосида олиб бориш, талабаларга ҳуқуқий тарбия асосида фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган ўқув машғулотлари модели ва технологияларини тузиш, амалиётга жорий этиш амалиётини

ўтказиш ва натижалар асосида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш зарур.

Фуқаролик бир давлатга мансубликни англаш, давлатга содиқлик ҳамда ватанпарварлик ҳисси сифатида талқин этилиши мумкин. Бунда давлатни, конституцияни, давлат рамзларини ҳурмат қилиш, давлат тузумини ва қонун устуворлигини ҳимоя қилишга тайёрлик назарда тутилади. Фуқароликни инсонга ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий жиҳатдан лаёқатли эканлигини ҳис этишни таъминловчи жамловчи тушунча сифатида ҳам талқин этиш мумкин. В.Дальнинг қайд этишига қараганда - фуқаролик жамиятни тузиш учун жамиятнинг онги ва билими даражасини ифода этган ҳолатдир.

Фуқаролик бир тарафдан жамиятда шахснинг олий даражада мустақиллигини, иккинчи тарафдан эса кишиларнинг жамият ҳаётидаги иштирокида намоён бўладиган юқори даражадаги бирдамликни назарда тутувчи қарашлар мажмууни ифода этади. Қуйидагилар фуқароликни ифода этувчи муҳим жиҳатлар қаторига киради:

- фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушуниши ва уни амалиётда қўллаш кўникмаси;
- бошқа фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- фуқаронинг ўз хаттиҳаракати учун шахсий жавобгарлиги;
- давлат ва жамият олдида ўзининг ҳуқуқий ва ахлоқий масъулиятини англаш;
- фуқароларнинг тенглиги;
- юксак маънавий-ахлоқий мезонларга асосланган ҳолда ижтимоий воқеликка нисбатан объектив ва танқидий ёндашув;
- ҳокимият билан, бошқа фуқаролар ва жамоат бирлашмалари билан ижобий мулоқот юритиш қобилияти;
- бир мамлакат, жамият ва давлатга, шунингдек унга тегишли ҳуқуқий, маданий ва тил маконига мансубликда ифодаланган фуқаровий ўзликни англаш ҳоказолар.

Фуқароликнинг тугал ёки тўқис эканлигини қуйидаги мезонлар воситасида талқин қилиш мумкин:

1. Агар фуқаровий позиция ҳали шаклланмаган, фуқаровий хусусиятлар, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш истаги тўлиқ намоён бўлмаса фуқаровийликнинг энг қуий даражаси намоён бўлади.

2. Фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишга мойил бўлса, у ҳақда ўз билим ва қобилиятини намоён қилишга тайёр бўлса, бунда фуқаровийликнинг ўрта даражаси намоён бўлади.

3. Агар фуқарода фуқаровий хусусиятлар ҳамда фаол фуқаролик позицияси тўлиқ шаклланган, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун амалий ҳаракатга кириш иштиёқи яққол намоён бўладиган бўлса уни юқори даражада фуқаровийлик сифатида талқин этиш мумкин.

Фуқаролик онги демократик қадриятлар, идеаллар, ҳуқуқ ва эркинликлар нуқтаи назаридан шахс, жамият ва давлат

ўртасидаги муносабатларни англашдан иборат. Албатта ҳар бир давлат ва жамиятда демократик қадриятлар ўзига хос тамойиллир ва меъёрлар асосида қабул

қилинади. Фуқаролик онги жамият тараққиётининг шундай босқичидаги руҳий ҳолатини англатадики, бу даврда демократик меъёрлар ва қадриятлар ҳаётнинг асосига айланади. Фуқаролик онги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий соҳаларда меъёрий, шакллантирувчи, йўналтирувчи, мулоқотга етакловчи сингари ранг баранг вазифаларни бажаради.

Айнан фуқаровий фаолликнинг ўзи бир неча жиҳатлар билан ажралиб туради:

- фаол фуқаро гуруҳига мансуб кишилар асосан сиёсий ва иқтисодий тизим тўғрисида билим олишга тайёр бўлган кишилардан иборат;

- фаол фуқароларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини фаол амалга ошириш учун билим ва қобилият мавжуд;

- фаол фуқароларда ана шу билимларни жорий қилиш учун кўнималар мавжуд бўлади.

Педагог олимлар мустақил таълим олишни ташкил этиш жараёнини фаоллаштириш масаласини умумий муаммо сифатида қарайдилар. Жумладан, бу борадаги ишларнинг бир қисмида талабаларнинг мустақил таълим олишларини ташкил этишга шахс нуқтаи назаридан ёндашиш кўзга ташланади. Бунда у фаол, таълимда, касбий маҳоратини оширишда юқори натижаларга эришишга интилувчи, педагоглик касбини танлаш ва эгаллаш ишида жамият эҳтиёжларидан келиб чиқувчи шахсни шакллантиришда мустақил таълим муҳим омил сифатида қаралади.

Мустақил таълим олишни ташкил этиш учун нафақат муайян касбга ёки фаолият соҳасига қизиқиш, балки ушбу фаолият турига лаёқатнинг мавжуд бўлиши ҳам талаб этилади. Мустақил таълимни ташкил этиш асосида талабаларнинг ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини шакллантириш орқали ўқув предметларини ўрганиш жараёнида зарурӣ билим, кўникма ва малакаларга эга қилиш билан биргаликда уларни ҳаётий эҳтиёжларида қўллай оладиган ҳолда тайёрлаш керак.

Адабиётлар рўйхати

1. Назаров К, Пахрутдинов Ш, Жўраев Т, Жалилов А, Сайдолимов С. Миллий манбаатлар ва раҳбар масъулияти. -Тошкент: Давлат ва жамият қуриш қурилиши Академияси нашриёти. 2007. - Б. 23.
2. Тожиев М, Зиёмуҳамедов Б. Педагогик технологиянинг таълимтарбия жараёнига татбиқи ва унинг баркамол авлод фазилатларини шакллантиришдаги ўрни // Монография. -Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2010. -Б. 214.
3. Тайлакова Ш.Н. Ўқувчи –ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. -Тошкент, 2019. - Б.22.